



БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯСИДА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ.

Матусмонов З

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг тергов судьяси

Жиноят процесси принципларини бир неча жиҳатларга кўра турларга бўлиш мумкин. Масалан, принципларни жиноят процессининг барча босқичларига таауллуқли умумий принциплар, жиноят процессининг фақат маълум босқичлари (суриштирув, тергов ёки суд муҳокамаси) учунгина хос бўлган махсус принциплар.

Жиноят процессининг принциплари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 11-27-моддаларида кўрсатилган бўлиб, ҳар бир моддада муайян бир принципнинг мазмун ва моҳияти белгиланган. Ушбу принциплардан айримлари фақат суд муҳокамасига оид процессуал нормалар учун таянч ҳисобланади.

Амалдаги жиноят-процессуал кодексига кўра жиноят процессининг фақат суд муҳокамасини ўтказиш билан боғлиқ принциплари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, ,
- жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш,
- судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi,
- одил судловнинг фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши,
- жиноят ишларининг ошкора кўрилиши,
- суд ишларни юритишда тортишув.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

12-моддасида белгиланган бўлиб, шахсни жиноят содир этишда айблаш ҳамда жиноий жазолашга, шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси, шахснинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чоралари қўллашга фақат суд органлари ваколатлидир.

Мазкур принцип конституциявий принцип ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 1-моддасида, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти фақат судлар томонидан амалга оширилиши, ҳеч қайси бошқа органлар ва шахслар суд ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириб олишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган. Бу принцип судлар мустақиллигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, судлар томонидан чиқарилган қарорлар (ҳукм, ажрим ва қарорлар) фақат юқори инстанция суди томонидангина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин,



бошқа ҳеч қайси орган ёхуд мансабдор шахс суднинг бирон-бир қарорини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин эмас. Бу нарса судьяларнинг иш бўйича қонуний, адолатли ва асосли қарор қабул қилишда мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш принципи суднинг ваколатлилиги ва холислигини таъминлашда муҳим аҳамияга эга.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди муҳокамаси бир таркибдаги суд ҳайъати ёки бир судья томонидан кўриб чиқилади.

Жиноят-прокуссуал кодекси 13-моддасига асосан жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судлари ва вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар томонидан ўта оғир жиноят ишлари судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиларидан иборат таркибда кўрилади.

Жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанцияда кўрилганда суд ҳайъати таркиби 3 нафар судьядан иборат бўлади.

Жиноят ишлари биринчи инстанцияда ҳайъатда кўриб чиқилганда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар, суд мажлисида келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи судья билан тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни

59-моддасига асосан ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш жойи ёки иш жойидаги йиғилишда очиқ овоз бериш йўли билан сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, жиноят ишини муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши мумкин. Захирадаги халқ маслаҳатчиси ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашишдан ташқари, судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади.

Агар ҳайъат таркибидаги халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетса, захирадаги халқ маслаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади.

Суд муҳокамасида захирадаги халқ маслаҳатчиси иштирок этмаган бўлса ва ҳайъат таркибидаги халқ маслаҳатчиларидан бири суд таркибидан чиқиб кетган ҳолларда ишни кўриш янги таркибда, янгитдан бошланади.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi конституциявий принцип бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасида “судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига



ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг

14-моддасида одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунishi, судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқиши ва ҳал қилиши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги, бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари, “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасида, судьяларнинг мустақиллигини асосий кафолатлари кўрсатилган бўлиб, қуйидагиларга асосан судьяларнинг мустақиллиги таъминланади;

- уларни қонунда белгиланган тартибда лавозимга сайлаш, тайинлаш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш;

- судьянинг дахлсизлиги;

- одил судловни амалга оширишдаги қатъий тартиб-таомил;

- қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

- судьяга ҳурматсизлик қилганлик, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашганлик ва судьянинг дахлсизлигини бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик;

- судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Шунингдек, судьянинг мустақиллигини чеклайдиган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилишга йўл қўйилмайди ва судья, унинг оила аъзолари ва уларнинг мол-мулки давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлади.

Бундан ташқари, ишнинг ҳолисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш ёки ноқонуний қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга, халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 236-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Суд муҳокамасида судья барча масалаларни қонун асосида, ўзининг ички ишончига таянган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиши ҳамда далилларга ҳолисона баҳо бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб белгилаб қўйилган.

Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, кодекснинг 16-моддасида жиноят ишлари



бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги умумхуқуқий принцип бўлиб, ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек жиноят процессида ҳам акс этади. Унга кўра суд муҳокамасида иштирок этаётган ҳар қандай шахснинг мансаб мавқеи, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, тили, эътиқоди, жамоат ташкилотларига мансублиги, бошқа ҳолатлар унга бирор-бир имтиёзлар берилиши ёки унинг камситилиши учун асос бўлмайди ва суд муҳокамасини боришига, чиқариладиган суд қарорига мутлоқо таъсир кўрсатмайди.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалар бўлса-да, лекин улар ўз мазмунига кўра бир қанча фарқли хусусиятларга эга.

Жумладан, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги шундан иборатки, ягона моддий ҳамда процессуал қонунларга асосан фуқароларнинг ирқи ва миллати, ижтимоий, мулкӣ ҳамда мансабга доир ҳолати ёки динга эътиқод қилишига кўра имтиёзлар берилмайди ёхуд уларнинг ҳуқуқлари чекланмайди.

Фуқароларнинг суд олдида тенглиги эса шуни англатадики, судланувчи ва жабрланувчининг ирқи, миллати ва диний эътиқодлари, ижтимоий, мансабга доир ва мулкӣ ҳолатидан қатъи назар ишларнинг уларга нисбатан барча судлар томонидан кўриб чиқилиши айнан бир хил процессуал тартибда амалга оширилади.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги барчанинг жиноят қонунларига бўйсунishiда ҳамда уни бузганлик учун тенг жавобгар бўлишида намоён бўлади. Жиноят содир этган шахслар эгаллаган лавозими, машғулоти тури ва бошқа омиллардан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади ҳамда уларга нисбатан айнан бир жиноят қонуни татбиқ этилади.

Мазкур принцип қонунийлик принципи билан ўзаро боғлиқ бўлиб, қонунийлик принципида белгиланган жиноят ишларини юритишнинг қонунда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари учун ягона ва мажбурийлиги ҳақидаги қоида, бевосита ушбу принципни ҳам таъминланишига хизмат қилади.

Суд суд муҳокамасида тарафларга ўзининг қонунӣ ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ифода этиши учун тенг шароитлар яратиб бериши лозим. Чунки, ишни ҳар томонлама, холисона кўриб чиқиб, иш юзасидан қонунӣ, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш учун фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи таъминланиши шарт.

Суд муҳокамасининг жиноят процессининг бошқа босқичларидан фарқловчи асосий хусусиятларидан бири бу унинг ошкоралигидир. Суриштирув ва дастлабки тергов даврида тергов сирини муҳофаза этилиши ҳақиқатни



аниқлаш учун зарур бўлса, суд мажлисида барча далиллар тарафлар иштирокида ошкора муҳокама қилинади.

Шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи фундаментал ҳуқуқлардан бўлиб, суд жараёнининг ошкора тарзда ўтказилиши бу ҳуқуқнинг таъминланиши кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасига кўра жиноят содир этганликда айбланаётган шахсни айбли деб ҳисоблаш учун унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланиши ва унга нисбатан суднинг ҳукми қонуний кучга кириши талаб этилади. Яъни, бундан суд муҳокамасининг ошкоро ўтказилиши таъкидлаб ўтилган.

Судда ишларнинг ошкора кўрилиши деганда ишлар қонунда белгиланган ёшда бўлган ва суд залига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилиши, суд процессини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш имкониятининг мавжуд бўлиши тушунилади.

Суд муҳокамасининг ошкора ўтказилиши ҳақида талаб фақат жиноят иши, материаллар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларига оид ишлар бўйича бўлиб, судга қадар иш юритув билан боғлиқ суд мажлисларини назарда тутмайди. Яъни, шахсга нисбатан қамоққа олиш ҳақидаги, уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги, шахсни экспертизадан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимономалар, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақидаги, телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат бериш ҳақидаги ва шунга ўхшаш бошқа материаллар ёпиқ суд мажлисида ўтказилади.

Шунингдек, мазкур принципни барча жиноят ишлари очиқ суд мажлисларида ошкора кўрилиши шартлиги ҳақида янглиш хулосага келмаслигимиз лозим.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси

19-моддасининг 1-қисмида давлат сирларини кўриклаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатган ёпиқ тарзда кўрилиши белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи қисмида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишлар суднинг ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши кўрсатилган.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат ушбу хат ҳамда хабарларни жўнатган ва олган шахсларнинг розилиги



билан эълон қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Агар суд мажлиси залида тартибни сақлаш учун зарур бўлса, суд айрим шахсларга суд залида очиқ мажлислар вақтида ҳозир бўлишни ман этишга ҳақлидир, уларнинг суд залидан четлатилиши ишларнинг ошкора кўрилиши принципини бузилган деб топишга асос бўлмайди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, суд муҳокамаси очиқ ёки ёпиқ тарзда ўтказилганидан қатъий назар суд ҳукми барча ҳолларда ошкора эълон қилинади, фақат ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш учун сабаб бўлган маълумотлар ошкор этилмаслиги лозим.

“Жиноят ишлари судда ошкора кўрилишининг сиёсий ва амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Ишларнинг судда ошкора кўрилиши фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ҳамда қонунбузарликка нисбатан мурасасизлик руҳида тарбиялаш вазифасини таъсирлироқ ва кенгроқ ҳал қилишга имкон беради, айтилиши вақтда суд органлари фаолиятини халқ оммасининг доимий назорати остига олишни таъминлайди. Қонуний асослар бўлмаган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш – қонуннинг қўпол равишда бузилишидир”

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг

25-моддасида бедгиланганидек, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда, иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилатганда, айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов ҳулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар”.

Жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишга доир фаолият, уни амалга ошириш учун зарур бўлган турли функциялар жиноят ишлари юзасидан иш юритиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектларига нисбатан ҳукм юритиш ваколатига эга бўлган айнан бир давлат органи зиммасига юклатилганда, муваффақиятли бўлиши мумкин эмас.



Ўзбекистон Республикасида жиноят процессининг процессуал функцияларини бўлиш принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир, чунки у жиноят судлов ишларини юритишда қонуннинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Амалдаги жиноят процессуал қонун ҳужжатларида жиноят ишлари юзасидан одил судловни амалга оширишда ишни ҳал этиш функцияси айблов ва ҳимоялаш функцияларидан аниқ қилиб ажратиб қўйилган. Жиноят процессуал қонун ҳужжатлари, башарти судья илгари ушбу ишни юритишда ҳимоячи, терговчи, прокурор сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмаслигини ва, башарти прокурор илгари шу ишни юритишда бошқа бирон-бир иштирокчи сифатида қатнашган бўлса, рад этилишини назарда тутиб, айнан бир шахс зиммасига судья, айбловчи ва ҳимоячи вазифаси юкланишига йўл қўйилмаслигини белгилаган.

Шундай қилиб, тортишув принципи суд процессининг шундай юритилишини белгилайдики, унда айблов ва ҳимоялаш вазифаси ҳамда унга туташ бўлган фуқаровий даъво ва фуқаровий жавобгарликни қўллаш вазифаси ўзаро ҳамда бир-биридан суд фаолиятидан ажратилган ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир хил процессуал ҳуқуқларга эга бўлган тарафлар томонидан амалга оширилади, суд эса холисона ва бетарафликни сақлаган ҳолда процессда етакчи ўринни эгаллайди, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла, холисона тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади ва мазкур ишни ҳал этади.

Жиноят процессида тортишув принципи қуйидаги асосий жиҳатларни белгилайди:

- 1) айбловнинг суддан ажратилганлиги;
- 2) суднинг процессдаги мустақил, фаол ҳолати ва фақат судга иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши;
- 3) ўз функцияларини бажаришлари учун тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши;
- 4) айблов ва ҳимоялаш функцияларининг одил судлов вазифасидан ажратилганлиги ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ажратилганлиги.

Айблов ва ҳимоялашнинг мустақил функция сифатида ажратилганлиги ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан суд фаолиятидан ажратилганлиги тортишув принципи таянадиган ва амал қиладиган асосдир. Айблов, ҳимоялаш ва одил судлов функцияларининг ўзаро қандай ажратилганига кўра суд процессининг турлари тавсифланади. Қонун айблов, ҳимоялаш ва одил судлов вазифаларини қатъий фарқлаб қўяди ҳамда ҳукмнинг сўзсиз бекор қилиниши хавфи остида уларнинг бир-бирига қўшилиб кетишини истисно этади.

Тортишув ҳуқуқининг тан олиниши – тортишаётганларнинг ўз талабларини асослашлари учун бир хил воситалардан ва имкониятлардан



фойдаланиш ҳуқуқининг, шунингдек бошқа тарафларнинг фикрларига эътироз билдириш ҳуқуқининг ҳам тан олинишидир.

Давлат ва жамоат айбловчиси, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни тадқиқ этишда қатнашиш, илтимосномаларни киритиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Процессуал тенг ҳуқуқлилиқ қайд этилган ҳуқуқлардан анча кенгроқ бўлиб, ишнинг нафақат амалий жиҳатига, балки юридик жиҳатига ҳам тааллуқлидир. Айбланувчи, шунингдек судланувчи ҳимоячиси билан бирга суд процессида ва суд мажлисида вужудга келадиган ҳамда ҳукм билан ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан, шу жумладан жиноятни таснифлаш ва жазони қўллаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда хулосаларини баён қилиш ҳуқуқига эгадир.

Айбловчи, судланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий жавобгар, фуқаровий даъвогар ва улар вакилларининг далиллар тақдим этиш, уларни тадқиқ этиш ва илтимоснома киритиш борасидаги процессуал тенглиги ишларни кўриш ҳамда ҳал қилишда бир ёқламаликка ва субъективликка йўл қўймаслик кафолати бўлиб хизмат қилади ҳамда ҳар бир иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун зарур шарт-шароит яратади.

Суд ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиши лозим: тарафлардан қайси бири тақдим этишидан қатъи назар, рухсат этилмаган далилларнинг ишда кўрилишига йўл қўйилмайди; иш муҳокамасидан олдин чиқариб ташланган далилларнинг тадқиқ этилиши масаласини ҳал этади; тарафларнинг илтимосномаларига мувофиқ янги далилларни кўриб чиқади; суд муҳокамасига раҳбарлик қилади ва ҳоказо.

Тортишув жараёнида суд янги айблов бўйича ёки янги шахс устидан иш қўзғатиши мумкин эмас, тарафларнинг илтимосномасисиз ишни қўшимча терговга юбора олмайди. Шу ҳолатларни Жиноят-процессуал кодексида акс эттириш зарурдир.

Жабрланувчи томонидан эътирозлар бўлмаган тақдирда прокурорнинг айбловдан воз кечиши ишнинг тугатилишига олиб келади.

Тортишувда тарафларнинг тенглиги – ҳақиқатни аниқлашнинг энг кучли усули, тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатидир.

Тортишув асоси бутун суд жараёнининг қиёфасини, таркибий тузилмасини белгилайди, ҳукмга ўзига хос ишонч беради, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини оширади.